

Асосий капиталга инвестициялар 2018 йил январь-декабрь ойларида

Рақамлар:




**Асосий капиталага
киритилган
инвестициялар 7846,1
млрд. сум**

**Ўсиш суръати
50,4%**

Жорий даврда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 7846,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50,4 % ташкил этди.

Молиялаштиришнинг манбалари бўйича таҳлил қилинганда, жорий даврда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми чет эл инвестиялари ва кредитлари – 4189,9 млрд. сўм ёки 53,4 %, корхоналарнинг ва аҳолининг ўз ҳисобидан эса 2304,4 млрд. сўм, ёки 29,4 % жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг хисобига тўғри келади.


Молиялашириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар тақсимланиши



2018 йил январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштриш манбалари ҳисобидан 963,6 млрд. сўм ёки 12,3 фоиз, марказлашмаган молиялашириш манбалари ҳисобидан эса 6882,5 млрд. сўм ёки 87,7 фоизни ташкил қиласди.

*Асосоий капиталга киритилган инвестицияларниң
умумий ҳажсига нисбатан молиялашириш
манбаларининг таркиби, %*

Марказлашган
инвестициялар




■ Бюджет маблаглари

■ Хукумат кафолати остида чет эл кредитлари

■ Давлат максадли фонд маблаглари

■ Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси

Марказлашмаган
инвестициялар




■ Тугридан-тугри ва бошкадар хорижий инвестиция ва кредитлар

■ Корхоналарининг уз маблаглари

■ Ахоли маблаглари

■ Тижорат банк кредитлари ва бошка карз маблаглари


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби, умумий ҳајсмдаги улуши %



- курилиш-монтаж ишлари
- машина,ускуналар ва жихозларни харид килиш
- бошқа харажатлар

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича 5461,1 млрд. сўм ёки 69,6 % қурилиш-монтаж ишларига ўзлаштирилган бўлса, машина, ускуналар ва жихозларни харид қилишга 1158,1 млрд. сўм ёки 14,8% ва бошқа харажатларга 1226,9 млрд. сўм ёки 15,6% инвестициялар ўзлаштирилган

Асосий капиталга инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби, жамига нисбатан фоизда




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмидан 5354,5 млрд. сўм ёки 68,2 фоиз – янги қурилишга, 1497,2 млрд. сўм ёки 19,1 фоиз - кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиши ва техник қайта куроллантиришишга ва 994,4 млрд. сўм ёки 12,7 фоиз – башқа йуналишларга тўғри келади.

■ янги қурилиш

■ кенгайтириш, реконструкция, модернизация
килиши ва техник қайта куроллантиришиш

■ башка йуналишлар


Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби(млрд.сум)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибидаги диаграммада қўрсатиб ўтилганидек тог-кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3885,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 49,5 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 3861,5 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 49,2 фоизи табий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой курилишига – 17,0 %, ташиб ва саклашга – 4,2 %, ишлаб чикарадиган саноатига – 5,3%, сув таъминотига - 5,9%, согликни саклаш ва ижтимоий хизматлар курсатиш - 2,3% ва бошқа фаолият турларига – 15,8 % тўғри келади.

Тураг жой курилишига инвестициялар ахолини намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ва арzonлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширирлиши ҳамда ахоли томонидан якка тартибдаги тураг-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.




Хорижий инвестиция ва кредитлари

2018 йил январь-декабрь ойларида 4189,9 млрд. сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг умумий хажмининг 53,4 % хорижий инвестиция ва кредитлари ҳисобидан амалга оширилган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 36,6 фоизни ташкил қилган. Шундан хорижий инвестицияларнинг ҳажми 3845,4 млрд. сўмни ташкил қилган(усиш суръати – 35,5%).


■ Хорижий инвестиция ва кредитлари млрд.сум

Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий ҳажми тоғ-кон саноатига 3585,9 млрд. сўм, сув таъминотига – 252,8млрд.сум, ишлаб чикарадиган саноатида – 106,7млрд.сум, кишлок , урмон ва балик хужалигига – 85,3млрд. сум тўғри келади.

Иқтисодий фаолияти турлари бўйича хорижий инвестициялари ва кредитлари, млрд. сўм.



Асосий капиталга киритилган инвестициялар туманлар кесимида




млрд. сум

— 2017 й. январь-декабрга нисбатан, % хисобида

***Асосий капиталга киритилган инвестициялар ахоли
жон бошига туманлар кесимида***

Туманлар	Ахоли жон бошига минг.сум	2017й. январь – декабрга нисбатан,% хисобида
Бухоро вилоят	4 162,9	49,7
Бухоро	4 891,4	59,0
Когон ш.	1 776,5	161,7
Олот	34 383,4	29,6
Бухоро	2 017,3	249,9
Вобкент	1 013,3	159,9
Гиждувон	855,8	103,3
Когон	4 966,8	137,7
Коракул	1 092,0	154,1
Коровулбозор	4 938,5	101,3
Пешку	1 519,7	151,0
Ромитан	8 749,8	132,3
Жондор	904,4	117,5
Шофрикон	979,7	165,4

Объектларни ишга тушириш



- Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 1209,5 минг кв.м, бўлган 7199 та тураг жой обекти янги қурилиб ишга туширилган бўлиб, улардан умумий майдони 938,8 минг кв.м. бўлган 6007 таси қишлоқ жойларда жойлашган. Намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 144.8 минг кв.м. бўлган 1567 та тураг жой қуриб битказилиб, ишга туширилди.

- Коммунал хўжалиги соҳасида 1222,2 км. сув тармоқлари (қишлоқ жойларида 1220,4 км.), ва 6,8 км. газлаштириш тармоқлари (хаммаси қишлоқ жойларида) ишга туширилиди. Ишга туширилган сув тармоқларинг асосий улуши Олот туманига тўғри келиб, бу “Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларининг сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси билан боғлиқ.
- 2018 йилнинг январь-декабр ойларида касб-хунар коллажларни реконструкциясига 6617,9 млн. сўм, умуттаълим мактабларни янги қурилиши ва реконструкциясига эса 34406,7 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу таълим соҳасида ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 21,5 фоизини ташкил қиласди.